



ЯНГИ ТИЗИМ ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИБ, МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЮКСАЛТИРАДИ



Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллабай тизимида йўлга қўйилган ислохотларнинг одамлар ҳаётидаги ифодасини кўриш, навбатдаги режаларни белгилаш, қишлоқ ҳўжалиги ва саноат корхоналари фаолияти билан танишиш мақсадида 12 декабрь куни Хоразм вилоятига келди.

Дастлаб давлат раҳбари Хонқа туманидаги инновацион иссиқхонани бориб кўрди.

“Red Star Oxus” масъулияти чекланган жамияти томонидан 205 миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига ташкил

этилган мазкур иншоот шу йил февраль ойида ишга туширилган эди. Бу мазкур лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб,

7 гектар майдонда гидропоника усулида помидор, бодринг, бақлажон, булғор қалампири, қўкатлар етиштирилмоқда.

Иссиқхонада Нидерландиянинг “Kubo” компаниясида ишлаб чиқарилган “Ultra clima” noy-xau технологияси келтириб ўрнатилган. Бунинг афзаллиги шундаки, иссиқлик вентилятор ёрдамида ультра иқлим зонасига тортिलाди ва пластик қувурлар орқали керакли жойга эҳтиёж даражасида юборилади. Яъни, ҳарорат бутун иссиқхонага эмас, балки етиштирилаётган сабзавотнинг илдизига йўналтирилади. Бу эса катта миқдорда энергияни тежашга ёрдам беради.

Таъкидлаш жоиз, бундай “бешинчи авлод” технологиясига эга иссиқхоналар дунёда 200 гектар атрофида. Шундан 7 гектари Ўзбекистонда.

Яна бир муҳим жиҳати — иссиқхона тепасига қуёш нурига ўхшаш хусусиятга эга махсус чироқлар ўрнатилган. Бу фотосинтез жараёнига сезиларли таъсир кўрсатиб, ҳосилдорлиқни оширишга хизмат қилади.

Масалан, плёнкали иссиқхоналарда помидор кўчати 6 ой ҳосил берса, мазкур инновацион иссиқхонада бир йил мобайнида маҳсулот олиш мумкин.

Давлатимиз раҳбари айнан шу масалага алоҳида аҳамият қаратди.

— Бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги долзарб масала бўлиб борапти. Ташқи бозор қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини мавсумий эмас, йил давомида етказиб беришни талаб қилади. Шунинг билан қишлоқ ҳўжалиги бозорда ўрин эгаллайди. Бу иш ўрни ва экспортни таъминлаш учун катта манба, — деди Шавкат Мирзиёев.

Иссиқхонада жараён тўлиқ автоматлаштирилган. Биринчи босқичда 75 киши доимий иш билан таъминланган.

Президентимизга истиқболдаги режалар ҳақида маълумот берилди. Хусусан, лойиҳанинг иккинчи босқичида 8 гектар майдонда яна битта иссиқхона қурилади. Уни келаси йил декабрда фойдаланишга топшириш ва яна 150 та иш ўрни яратиш мўлжалланган.

— Бу корхона — драйвер. Бундай иссиқхоналар кўпайиши учун бошқа тад-

биркорларни ҳам ўргатиб, ҳар томонлама ёрдам бериш керак. Хоразм қишлоқ ҳўжалигининг келажаги шу, — деди давлатимиз раҳбари.

Ушбу мажмуани ўзига хос мактаб сифатида белгилаб, тадбиркорларни ўқитиш муҳимлиги таъкидланди.

— Озиқ-овқат маҳсулотларига биринчи талаб — сифат. Шунинг учун ҳар бир иссиқхонанинг лабораторияси, ўз бренди бўлиши керак, — деди Президент.

Шу ерда қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдироти ўтказилди. Туманларни ихтисослаштириш, янги ерларни ўзлаштириш, ёмғирлатиб сўғориш тизимини жорий қилиш бўйича топшириқлар берилди. Шолі экишда адолатни таъминлаб, аҳолига ер майдонлари ажратиб бериш, шу орқали одамларни иш билан таъминлаш ва камбағалликдан чиқариш бўйича вазифалар қўйилди.

Шунингдек, Хоразм вилоятида ёшларнинг ижтимоий қайфиятини ўрганиш бўйича мулоқот ва социологик тадқиқот натижалари ҳақида ҳам маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари ҳар бир ёшнинг интилиши ва қобилиятини инобатга олиб, режаларини амалга ошириш бўйича бир йиллик дастур ишлаб чиқишга кўрсатма берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Янги-ариқ туманидаги “Yantex Invest” корхонасида газлама ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди.

Бу корхона бўш ётган биналардан самарали фойдаланиш, уларни хусусийлаштириб, тадбиркорлиқни ривжолантиришга қаратилган иқтисодий сиёсатнинг яққол мисоли. Мазкур иншоот кўп йиллар қаровсиз ётган эди.

2017 йили Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ташрифи чоғида ушбу бинони салоҳиятли инвесторларга сотиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш бўйича топшириқлар берганди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИГА

Муҳтарам ватандошлар! Ҳурматли деҳқон ва фермерлар! Қадрли агрокластер эгалари!

Авалло, сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кўни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга энг эзгу ва самимий тилақларимни билдиришга ихозат этгайсиз.

Ушбу қутлуг айёмда ризқ-рўзимиз бунёдкорлари — миришкор деҳқон ва фермерлар, заҳматкаш чорвадор ва пиллакорлар, моҳир сувчи ва ирригаторлар, ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган механизатор ва агрономлар, соҳанинг жонқуяр олимлари ва мутахассисларимизга чукўр ҳурмат бажо келтириб, чин дилдан таъзим қиламиз.

Дунёдаги энг қадимий ва олижаноб касб эгалари ҳисобланган, эл-юрт дастурхонини тўкин ва фаровон этадиган ғоят муҳим соҳанинг залворли юкини ўз елкасида кўтариб келаётган сизлар каби минглаб юртдошларимизнинг фидойи меҳнати ва жасорати ҳар қандай юксак эътирофга муносибдир.

Буюк аждодимиз Алишер Навоий сизларнинг шаънингизни улуғлаб: **“Олам маъмурлиги алардин, олам аҳли масрурлиги алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракат”**, деб айтган сўзларида чиндан ҳам теран ҳақиқат мўжассам.

Шу хурсандчилик кўнларда барчамиз сизларни байрам билан муборакбод этар эканмиз, бу йилги машаққатли меҳнатингиз, ҳашилангана фатихалар ва олдимишда турган режалар эришилди нақир юритишимиз табиий, албатта.

Ҳаммамизга яхши аён, бу йил бутун инсоният учун жиддий синов даври бўлди. Шундай қийин шароитда эл-юртимиз, хусусан, заҳматкаш деҳқон ва фермерларимиз қоронавирус пандемияси билан бир қаторда, айрим ҳудудларимизда юз берган табиий ва техноген офатларни ҳам мардонавор енгиб, юксак марраларни қўлга киритганини миннатдорлик билан таъкидлашимиз. Жумладан, Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларида 19 минг гектардан зиёд майдондаги пахта, галла ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинларини қайта экишга тўғри келди. Бухоро вилоятидаги қучли довул оқибатида 26 минг гектар майдонда пахта ва галла ниҳолларига зарар етди.

Албатта, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида осон ва енгил йилнинг ўзи бўлмайди. Табиат инжиқликлари, сув ресурсларининг чеклангани, турли ҳашарот ва зараркунандалар билан курашиш ҳар бир деҳқондан катта азму шижоат, миришкорлик ва тажрибани талаб этади. Халқимиз сизларнинг ана шундай ибратли фазилатларингизни яхши билади ва юксак қадрлайди.

Жорий йилда юртимизда олти ярим миллион тоннага яқин галла, 3 миллион тоннадан зиёд пахта, 21 минг тонна пилла, 22 миллион тонна мевасабзавот, икки ярим миллион тонна гўшт ва 11 миллион тоннадан зиёд сут маҳсулотлари етиштирилгани аввало сизларнинг машаққатли ва халол меҳнатингиз самарасидир.

Бу ҳақда гапирганда, галладан юқори ҳосилдорликка эришган Ёзёвон туманидаги “Баҳромбек”, Термиз туманидаги “Даврон Намуна”, Ғиждувон туманидаги “Содиқ Зафар саховати”, Янгибозор туманидаги “Жўрабек Қўмобод”, Балиқчи туманидаги “Ҳолмирза Болтабоев”, Сайхунбод туманидаги “Қурама”, Нарпай туманидаги “Азамат Сирож”, Нукус туманидаги “Шўртанбай-бахтли-эл”, Қизилтепа туманидаги “Улуғдир келажаги”, Уйчи туманидаги “Замин”, Пахтакор туманидаги “Сафаров Баҳром” фермер ҳўжаликлари ҳамда Поп ва Мингбулоқ туманларидаги “Арт софт текс”, Риштон туманидаги “Қаҳрамон”, Дўстлик туманидаги “Санзор бизнес парранда”, Навбахор туманидаги “Навоий асл чорваси” ва Қоровулбозор туманидаги “Очил фэйз бизнес” галлачилик кластерларининг номларини мамнуният билан эътироф этамиз.

Пахтадан мўл ҳосил етиштиришда Учкўприк туманидаги “Миржалол Гулистон дурдонаси”, Қизилтепа туманидаги “Сафар обод боғи”, Ғузор туманидаги “Жаҳонгир Норбой ўғли”, Богот туманидаги “Ҳолмурод ўғли Мансур”, Наманган туманидаги “Гофуржон ота”, Нарпай туманидаги “Абдусалом Ҳўшматов”, Булоқбоши туманидаги “Зоиржон Низомов”, Ромитан туманидаги “Навобод”, Сирдарё туманидаги “Худойкул ўғли Сулаймон”, Оққўрғон туманидаги “Оллоберди Қўмоғ” фермер ҳўжаликлари, шунингдек, Куйичирчиқ туманидаги “ТСТ кластер”, Наманган туманидаги “Тошбулоқ текс”, Жарқўрғон туманидаги “Термез Жайхун кластер”, Қўрғонтепа туманидаги “Хантекс групп” ва Хазорасп туманидаги “Хазорасп текс” каби пахта-тўқимачилик кластерлари барчага намуна бўлдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, бой билим ва тажрибаси, омилкорлик ҳислатларини намоён этиб, илм-фан ютуқларини самарали қўллаш ҳисобидан юксак хирмон яратган барча деҳқон ва фермерларимизга ўз номидан, халқимиз номидан чукўр миннатдорлик билдираман.

Азиз дўстлар!

Барчангиз гувоҳ бўлиб турибсиз, бугунги мураккаб ва қалтис давр дунё миқёсида аграр соҳанинг ҳал қилувчи ўрни ва аҳамиятини яна бир бор яққол кўрсатиб бермоқда. Мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан қаноатли таъминлаш, соҳада янги иш ўринлари яратиш, манфаатдорлиқни янада ошириш, илғор ёндашувларни жорий этиш энг муҳим масалага айланмоқда.

Шунинг учун биз иқтисодиётимизни, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги соҳасини модернизация ва диверсификация қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, фермер, кластер ҳамда кооперацияларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига ҳар доимигидан ҳам кўпроқ аҳамият бермоқдамиз. Хусусан, бу йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 5 та қонунини, Президентнинг 12 та фармони ва 30 дан ортиқ қарори ҳамда ҳукуматнинг қўллаб қарорлари айни шу йўналишга қаратилгандир.

Қишлоқ ҳўжалиги тармоғига бозор механизмлари, жумладан, агрокластер тизимининг жорий этилгани қисқа фурсатда ўзининг ижобий самарасини бераётганидан барчангиз яхши хабардорсиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда 97 та пахта-тўқимачилик, 149 та мевасабзавотчилик, 65 та галлачилик, 35 та шолчилик ва 7 та доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган кластерлар ва 11 та пахта-тўқимачилик кооперациялари фаолият қилишда. Шунингдек, қорамолчилик йўналишида 34 та, паррандачилик бўйича 10 та, балиқчилик тармоғида 36 та, асаларичилик йўналишида 15 та фермер ҳўжалигида кластер усулида маҳсулот етиштириш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, кейинги икки йилда республикада пиллачилик соҳасида 62 та кластер ишга туширилиб, улар томонидан 600 миллиард сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Жорий йилнинг ўтган даврида республика бўйича 11 мингга яқин, яъни 90 фоиз фермер ҳўжаликларни кўп тармақли ҳўжаликларга айлантирилди. Бунинг натижасида қўйиб 37 минг аҳоли иш билан таъминланди.

Хабарингиз бор, биз сўнгги йилларда аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш бўйича қатор қарорлар қабул қилдик. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, унинг худудий органлари, маҳалла фуқаролар йиғинларида томорқа ҳўжаликлари бўйича алоҳида ўринбосар лавозимни жорий этилди. Шахсий томорқа ҳўжаликлари самардорлигини оширишга қаратилётган ана шундай чора-тадбирлар натижасида бу йил республика бўйича тўрт ярим миллион аҳолига тегишли 432 минг гектар томорқа майдонларида экинлар тўлиқ экилиши таъминланди. Ҳисоб-китобларга кўра, бу майдонларда 10 миллион тоннадан зиёд маҳсулот етиштирилди.

Давлат томонидан шахсий томорқа эгаларига артезиан қудуқлари қазииш ҳамда ихчам иссиқхоналар қуриш учун субсидиялар ва имтиёзли кредитлар ажратилаётгани ҳам аҳолини ихтимойи қўллаб-қувватлашнинг яна бир ўзига хос йўналишига айланди. Ушбу эзгу мақсадлар учун Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги Жамғармадан 65 ярим мил-

лиард сўм, томорқа хизмати корхоналари, қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари ва фермерларни қўллаб-қувватлаш учун эса 110 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Бундан ташқари, **“Ҳар бир ёшга — бир гектар”** дастури доирасида галладан бўшаган майдонларнинг 84 минг гектари 266 мингта кам таъминланган оилалар ва ишсиз ёшларга берилиб, уларга фермер ҳўжаликлари ва томорқа хизмати корхоналари бириктирилди. Ушбу дастур натижасида 1 миллион тоннадан зиёд маҳсулот етиштирилди.

Амалга оширилган ана шундай ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида бу йил, жаҳонда юз бераётган пандемиянинг салбий таъсирига қарамасдан, 822 миллион доллардан зиёд миқдордаги қарий 1,5 миллион тонна мевасабзавот 70 дан ортиқ давлатга экспорт қилинди.

Албатта, бугун ҳеч бир соҳада илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни амалиётда қўлламасдан туриб тараққиётга эришиб бўлмайди. Бу эса кенг ва замонавий билимга эга кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш каби долзарб вазифаларни олдимишга қўймоқда.

Шу мақсадда аграр соҳага ихтисослашган олий ўқув юртларида таълим сифатини тубдан ошириш, тараққий этган давлатларнинг нуфузли таълим даргоҳлари билан яқин ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, уруғчилик, наслчилик ва ветеринария йўналишидаги илмий муассасалар фаолиятини тақомиллаштириш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

2020-2021 ўқув йилидан бошлаб мавжуд қишлоқ ҳўжалиги олийгоҳлари билан бир қаторда, Гулистон, Бухоро, Қарши, Наманган, Самарқанд, Фарғона, Ўрағач давлат университетларида аграр соҳа мутахассисларини тайёрлаш учун бакалаврият таълим йўналишлари бўйича қабул квоталари ажратилди.

Соҳадаги илғор тажрибаларга таянган ҳолда, худудларда “Тупроқ клиникаси” мобил лабораториялари ташкил этилиб, шўрланиш, сув, шомол эрозияси, озуқа элементлари камайишининг олдини олиш, тупроқ унумдорлиги ва маҳсулдорлигини ошириш борасида фермер ҳўжаликлари ва кластерларига зарур хизматлар кўрсатмоқда.

Шу ўринда пахта майдонлари ҳамда боғ, узумзор ва иссиқхона ҳўжаликларида сув тежовчи технологияларни жорий этиш харажатларининг бир қисми давлат томонидан қўллаб берилаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Жорий йилда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга йўналтирилган 677 миллиард сўмлик 80 га яқин лойиҳа, 1 триллион 240 миллиард сўмлик инвестиция маблағлари асосида 12 та агро-

логистика маркази ишга туширилиб, қарийб уч ярим минг янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, пахтачилик кластерлари, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қўвчилик тармоқларида ҳамда замонавий иссиқхоналарнинг барпо этилиши натижасида 14 мингта яқин аҳоли иш билан таъминланди.

Айни пайтда чорвачиликда наслчиликни яхшилаш, зотдор қорва молларини қўлайитириш, ихтисослашган фермер ҳўжаликларини ривожлантириш, ушбу соҳага давлат томонидан субсидиялар ажратиб бериш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган даврда чорвачилик ҳўжаликларига ушбу мақсадлар учун 20 миллиард сўмга яқин субсидиялар ажратилди.

Азиз дўстлар!

Дунёда глобал озиқ-овқат етишмовчилиги хавфи юзага келаётган бугунги вазиятда бизда ички бозоримизни тўлиқ таъминлаш билан бирга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажминини икки баробар ошириш ва экспортни кўпайтириш учун барча шароитлар мавжуд эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Келгусида қишлоқ ҳўжалигини барқарор ривжолантириш бўйича комплекс дастурларни амалиётга татбиқ этиш, замонавий технологияларни қўллаган ҳолда маҳсулот турлари ва экспорт ҳажминини янада ошириш устувор масала бўлиб қолади.

Тупроқ унумдорлигини сақлаш, соҳани зарур техникалар билан таъминлаш ва хизмат кўрсатиш ишларини яхшилаш, илғор билим ва кўникмаларга эга мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш фаолиятини тақомиллаштиришга эътиборни янада кучайтирамиз.

Соҳага илм-фан ютуқлари ва замонавий технологияларни жорий этиш бундан буён ҳам устувор вазифаларимиздан бўлиб қолади.

Мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, эл-юртимиз дастурхонини янада фаровон қилишда фидойи қишлоқ ҳўжалиги ходимлари бундан кейин ҳам ўзларининг бор билим ва тажрибаларини, куч-гайрат ва имкониятларини сафарбар этадилар, деб қатъий ишонаман.

Муҳтарам деҳқон ва фермерлар, азиз сувчилар ва пахта-тўқимачилик кластерлари ходимлари! Сизларни яна бир бор Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кўни билан — меҳнат ва ҳосил байрами билан чин дилдан табриклайман.

Барчангизга сихат-саломатлик, оилавий бахт-саломат, масъулиятли ва шарафли меҳнат фаолиятини гизда улкан зафарлар, хонадонларингизга қўл-барак ва хотиржамлик ҳамиша ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЯНГИ ТИЗИМ ОИЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИБ, МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЮКСАЛТИРАДИ



Бошланиши 1-бетда

Шундан сўнг “Асака” банк вилоят ҳокимлигидан бинонинг 100 фойизлик улушини сотиб олиб, уни икки ярим йил ичида тўлиқ қуриб битказди.

Корхонага хорижлик инвестор топиш мақсадида Россиянинг Иваново областида 25 йилдан буён текстиль корхоналари таъсисчиси бўлиб келаётган сармоядор билан музокара олиб борилди. Инвестор корхонага сармоя киритиб, бу ерда пахтани чуқур қайта ишлаш орқали газлама ишлаб чиқаришга киришди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 16,1 миллион доллар бўлиб, корхона сентябрь ойида ишга туширилди. Жами иш ўринлари 250 та. Швейцария, Бельгия, Германия каби давлатлардан келтирилган тўқув дастохларида айни пайтда 60 нафар хотин-қиз банд. Яна 40 нафар ишчини шу ердаги ўқув марказида россиялик мутахассислар ўқитмоқда.

Корхона йилига 12 миллион погон метр газлама мато ва 600 минг комплект чойшаб ишлаб чиқариш, 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш салоҳиятига эга.

Президент янги корхонадаги тўқув жараёнини кўздан кечирди.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда трикотаж ишлаб чиқаришга ҳали бу қадар чуқур ёндашилмаган. Тармоқда самарадорлиқни ошириш мақсадида 2016 йилда тўқимачилик саноатини ривожлантириш бўйича жадал ислохотлар бошланганди. “Yantex Invest” корхонаси бу ислохотларнинг мевасидир.

Хоразмнинг ўзида тайёр газлама чиқариш самарали эканини инobatга олиб, инвестор Қашқадарё вилоятидаги “Oqsagoy Group” компанияси билан биргаликда “Текстура” масъулияти чекланган жамиятини тузди. “Текстура” ва “Урганч бахмал” масъулияти чекланган жамиятлари “Yantex Invest” корхонаси таъсисчилари ҳисобланади.

Қайд этилганидек, кейинги тўрт йил давомида бизда трикотаж ишлаб чиқариш бўйича катта тажриба тўпланди. Аммо газлама тўқиш ва бўяш бўйича ҳали салоҳият етарли эмас.

Шу боис “Текстура” МЧЖ Урганч шаҳрида матога ранг берувчи корхона очиб, тўртта тумандаги кластерлар билан ил-газлама тўқишни йўлга қўйиш



натижасида келаси йил охиригача вилоятда газлама ишлаб чиқаришни йилига 90 миллион погон метрга етказиш режалаштирилган.

Шу тариқа, иккинчи босқичда Хоразмда матони бўяш, уни қадоқлаш, Россия ва бошқа мамлакатларга экспорт қилишга эришилади.

Шу ерда Хоразм вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, маҳаллабай ишлаш бўйича янги тизимни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Президент ташаббуси билан вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида маҳалла институтининг ролини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Авваллари вилоятларга ташриф

чоғида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ўсиш дастури “тепадан — пастга” тизими асосида шакллантирилган эди. Хоразмда илк бор жорий этилаётган янги тизимга кўра, туманлардаги иқтисодий комплекс ходимлари ҳар бир маҳаллага бириктирилиб, ўз соҳасига доир масалаларни ҳал қилиб боради.

Бу борадаги вазифаларни аниқлаш учун вазирлик ва тармоқлар, банклар вакилларида иборат Республика ишчи гуруҳи вилоятдаги 519 маҳалланинг муаммоларини ўрганди. Маҳаллаларда яшовчи аҳолининг имкониятлари, уларнинг даромадини ошириш, қайси йўналишлар бўйича иш олиб бориш кераклигидан келиб чиқиб, ўсиш нукталари белгиланди.

Республика ишчи гуруҳи томонидан шаҳар ва туманлардаги 54 сектор ҳам худди шундай таснифланди.

Ҳўш, маҳаллаларда ўсиш нукталари қайсилар? Вилоят маҳаллаларида чорвачилик, паррандачилик, ҳунармандчилик ёки бошқа ишлаб чиқариш истаги билдирилган ўсиш нукталари 11 тани ташкил этди. Энди маҳалла раислари хонадонларга йирик тадбиркорларни касаначилик тизимида ишлаш учун бириктириб беради. Шу орқали оилаларга даромад топиш учун кўмаклашилади.

Давлат раҳбарининг ҳар бир туманда саноатни ривожлантириш мақсадида қиймати 10 миллион доллардан зиёд 2 тадан йирик ҳамда 1 миллион доллардан ортқ 10 тадан ўрта лойиҳани шакллантириш бўйича берган топшириғига мувофиқ 755 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Умумий қиймати 13,3 триллион сўмлик ушбу лойиҳалар 2021 йилда амалга оширилиши натижасида 16 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Президентимиз ислохотларни энг қуий бўғинга етказишда маҳалланинг вазифалари нимадан иборат эканини маҳалла раислари туғул туман ҳокимлари ҳам яхши тушунамслигини танқид қилди.

— Маҳалла раисларини сайлаймиз, улардан кўп нарсани талаб қиламиз. Лекин бунинг учун маҳаллий раҳбарлар нима қиляпти, деган саволга аниқ жавоб йўқ. Энди давлат идоралари ходимларининг моддий манфаатдорлиги, одамларнинг розилигидан келиб чиқиб белгиланадиган тизим қиламиз. Солиқ, молия, бандлик, инвестиция, тадбир-

шароитлар яратиш мақсадида барча шаҳар ва туманларда кичик саноат зоналари, технопарклар ташкил этилмоқда.

Жорий йил май ойида қурилиши якунланган “Урганч” технопарки жами 6 та блокдан иборат. Қисқа вақтда бу ерда иккита корхона фаолият бошлади. Улар кийим-кечак ишлаб чиқарувчи “Oq olin mega tekstil” ҳамда металлдан турли маҳсулотлар тайёрлайдиган “Great Khorezm” ширкатларидир.

Бу ерда зарур муҳандислик-коммуникация тармоқлари мавжуд. Технопарк вилоятда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда тадбиркорлар учун муҳим имкониятлар яратади.

“Oq olin mega tekstil” масъулияти чекланган жамияти технопаркда амалга оширилган биринчи лойиҳа. Корхонага Германия, Италия, Туркия каби давлатлардан тикувчилик дастохлари келтириб ўрнатилган. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган болалар ва катталар кийимлари, жинси шим каби 100 дан ортқ турдаги тўқимачилик маҳсулотларининг 75 фойизи экспортга йўналтирилади. Бугунги кунда “Oq olin mega tekstil” масъулияти чекланган жамиятида Урганч ва Хива шаҳарлари, Янгияри, Хонка ва Урганч туманлариди яшовчи 400 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда.



Давлатимиз раҳбари корхона фаолияти билан танишди, бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кўздан кечирди, мутахассис ва тикувчилар билан суҳбатлашди.

— Сизларни кўрганимдан, мана шундай ҳунар эгаллаб, ўзларингга ёққан фабрикада ишлаётганларингдан хурсандман. Одамларни, айниқса, аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш бўйича катта ҳаракатлар қиляпмиз. Бугун-эрта Хоразмда юриб, маблаглар бериб, режалар тузишдан мақсад ҳам шу, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз уйда ўтирган аёлларни касаначилик асосида ҳам ишга жалб этиш муҳимлигини таъкидлади. Саноат объектларининг қолган қисмидан ҳам самарали фойдаланиш, тадбиркорларга зарур шарт-шароит яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Ҳозирги кунда қолган блокларга ҳам ускуналар олиб келинмоқда. Технопарк тўлиқ ишга тушгач, йилига қарийб 87 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши, 5,8 миллион долларлик экспорт қилиниши мўлжалланган.

Шу ерда Хива шаҳри ва Гурлан тумани мисолида инфратузилмани яхшилаб, туризм ва тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш лойиҳалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Урганч шаҳридаги “UzXCMG” қўшма корхонасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Хитой билан ҳамкорликда фаолият юритаётган мазкур қўшма корхонада 13 турдаги экскаваторлар, 10 турдаги қурилиш ва автомобиль йўлларини таъмирловчи техника воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг қуввати ва

бутовчи қисмлар ишлаб чиқариш бўйича маҳаллийлаштириш даражасини ошириш мақсадида экскаваторлар учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 8 миллион доллар бўлиб, йилига 400 дан ортқ махсус техника ишлаб чиқаришга эришилади.

Корхонада айни пайт 52 киши иш билан таъминланган. 2021 йилда қўшимча тармоқлар ишга тушиши натижасида яна 30 иш ўрни яратилади.

Қўшма корхонани 3 босқичда ривожлантириш кўзда тутилган бўлиб, экскаваторларни йирик бўғинли ва саноат усулида йиғиш йўлга қўйилади.

Корхонада шу кунгача 50 дан ортқ турдаги 1 минг 700 дона махсус техника, жумладан, занжирли ва гилдиракли экскаваторлар, бульдозерлар, асфальт зичловчи катоклар, юк ортқичлар, автогрейдер, йўл фрезаси ишлаб чиқарилди. Барча техникалар халқаро стандартларга жавоб беради.

Қўшма корхона фаолиятини такомиллаштириш мақсадида жорий йил Хитойнинг XCMG корпорацияси томонидан қиймати 4,3 миллион долларлик йиғув линияси ва ускуналар олиб келинди. Мақсад экскаватор қисмларини пайвандлаш орқали маҳаллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

Энергия тежамкор технологиялар

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

ЕОИИ ОЛДИДА ТУРГАН МАҚСАДЛАР ЎЗБЕКИСТОН МАНФААТЛАРИ БИЛАН ҲАМ ТўЛА ҲАМОҲАНГ ДИР

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Евроосиё иқтисодий иттифокнинг видеоанжуман шаклида ўтган саммитидаги иштироки ва муурожаати халқаро ижтимоий-сиёсий ва эксперт доираларида катта қизиқиш билан муҳокама қилинмоқда.

Ас-Сайид Ҳани Юсуф Ас-Са-йид, “Ал-Жумхурия” газетаси бош муҳаррири ўринбосари, Миср ташқи ишлар кенгаши аъзоси:

— Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) қузатувчиси мақомига эга бўлди.

Ўзбекистон ЕОИИ тақлифига биноан мазкур ташкилот тизимлари йиғилишларида ўзининг анъанавий ҳамкорлари Россия, Беларусь, Қозғистон, Қирғизистон вакиллари билан иштирок этиш ҳамда қабул қилинган ҳужжатларга эга бўлиш имкониятини қўлга киритди.

Ташкилотнинг 2021 йилдаги халқаро фаолиятининг асосий йўналишлари, 2021 йил бюджети, ЕОИИ тизимларида раислик, ЕОИИ умумий газ бозорини шакллантиришнинг иккинчи босқичига ўтиш, нефть соҳасида қонунларни мувофиқлаштириш бўйича “йўл харитаси”ни тузиш, ЕОИИ суди раиси ва ўринбосарларини тасдиқлаш каби йиғилиш кун тартибига киритилган муҳим масалалар ташкилотнинг келгуси ривожланишини белгиллаб берди.

Мазкур масалалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкин, ташкилот олдида турган мақсадлар нафақат Ўзбекистон, балки минтақа мамлакатлари манфаатлари билан ҳам тўла ҳамоҳангдир. Бу эса, ўз навбатида, Марказий Осиё давлатларининг янада ривожланишига ва ташкилотга аъзо субъектлар билан

кенгроқ интеграциялашувига имкон яратади.

Рой Энтони Рожерс, Малайя университети халқаро ва стратегик тадқиқотлар бўлими бошлиғи (Малайзия):

— Ўзбекистон миллий манфаатларга асосланган очик ва конструктив ташқи сиёсат юритмоқда. Глобаллашув шароитида мамлакат минтақавий иқтисодий интеграцияда фаол иштирок этиши керак. Шу боис, Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)да қузатувчи давлат мақоми олиши мазкур йўналишдаги истиқболли қадам, деб ўйлайман.

ЕОИИ 200 миллион истеъмолчига эга бўлган катта бозор. Бундан ташқари, Ўзбекистонда денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имконияти мавжуд эмаслигини ҳисобга олсак, мазкур тузилма ишдаги иштирок экспортни янада диверсификация қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва янги бозорларга чиқиш учун имкониятларни кенгайтиради.

Ҳар қандай ташкилотга аъзо бўлиш ҳам манфаат қўриш, ҳам муайян мажбуриятларни ўз зиммасига олишни аниглайди. Шу маънода, амалдаги қузатувчи мақоми Ўзбекистонга ЕОИИнинг тўлақонли аъзоси бўлишнинг ижобий ва салбий жиҳатларини ўрганиш имконини тақдим этади.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЮРИТАЁТГАН ИЧКИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТ ҲИНДИСТОН ВА БОШҚА ЙИРИК ДАВЛАТЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНАДА РИВОЖЛАНИШИГА ТУРТКИ БЎЛМОҚДА

Жаҳон сиёсий, иқтисодий ва академик доиралари вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди ўртасидаги онлайн саммит якунлари бўйича ўз муносабатини билдирмоқда.

Санжар Коргар, Афғонистон парламенти қуий палатаси — Вулуси Жирга депутати:

— Мен Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди видеомуроқоти тафсилотлари билан яқиндан танишиб чиқдим.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларининг кундан-кунга ривожланиб бораётгани кувонарли ҳол. Олий даражадаги видеомуроқотда ҳам сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник, таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, минтақавий алоқалар истиқболлиги юзасидан фикр алмашилди.

Жорий йил ҳукуматлараро комиссиянинг қўшма йиғилиши, сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги давраси ҳамда “Марказий Осиё — Ҳиндистон” муроқотининг иккинчи учрашуви муваффақиятли ўтказилгани Ўзбекистон — Ҳиндистон стратегик шериклигининг юқори босқичга кўтарилганидан далолат беради.

Инвестициялар соҳасида қўшма лойиҳалар амалга оширилаётгани, шунингдек, таълим соҳасида Ўзбекистонда Амита ва Шарда университетларнинг филиаллари очилгани эътиборга молик.

Икки мамлакат халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев халқаро минбарлардан туриб Афғонистон муаммоларини ҳал қилиш юзасидан муҳим ташаббусларни илгари суриб келаяётгани Афғонистон халқи ва ҳукумати томонидан юксак баҳоланади. Онлайн учрашувда ҳам давлат раҳбарлари Афғонистондаги вазиятни тез фурсатларда тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашини билдирди.

Мен келажакда Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларининг янада ривожланишига ишонаман ва бу борада дўст Ўзбекистон халқи ва раҳбариятига муваффақиятлар тилаб қоламан.

Аҳмад Таҳир, “Хивар” ахборот-сиёсий тадқиқотлар маркази директори (Миср):

— Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида сиёсий-иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамланиши нафақат ушбу икки давлат, балки Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ривожига катта туртки бериши мумкин.

Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Модининг онлайн учрашуви қўллаб минтақавий таҳлилчилар томонидан катта қизиқиш билан қузатилганига аминман.

Пандемия туфайли юзага келган чекловларга қарамай, икки давлат раҳбарлари савдо-содиқ, инвестиция, таълим, маданият ва тиббиёт соҳаларидаги ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини сафарбар этишга тайёр эканини намоён қилди.

Шак-шубҳасиз, Ўзбекистон замини Ҳиндистонда тарихий, туристик ва иқтисодий жиҳатдан катта қизиқиш уйғотган. Мавжуд инкониятлардан унумли фойдаланиш орқали ўзаро савдо ҳажмининг 1 миллиард доллардан ошишига эришиш мумкин. Истиқболда Афғонистон орқали хавфсиз транспорт йўлларининг яратилиши эса улкан Жанубий Осиё бозорининг Марказий Осиё мамлакатлари учун очилишига ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқнинг ривожланишига олиб келади.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Нарендра Моди еришган келишувлар, давлат раҳбарларининг барча саъй-ҳаракатлари савдо-сотиқни кенгайтириш, таълим, тиббиёт, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш орқали икки халқ манфаатларига йўналтирилган.

Ўзбекистон раҳбари юритаётган ички ва ташқи сиёсат нафақат Ҳиндистон, балки бошқа йирик давлатлар билан алоқаларнинг янада ривожланишига туртки бўлмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда юритаётган очик ва дўстона ташқи сиёсати халқаро майдонда ишончли шериклар қўлайлишига ва минтақада узоқ муддатли тинчлик ҳамда барқарорлик ўрнатилишига сабаб бўлмоқда.


“Дунё” АА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ТРАНСПОРТ ДИПЛОМАТИЯСИ

сифатли таълим ва амалиёт уйғунлигидан қувват олади

Таҳририят танловига



Манша шу тўртта масалани ҳал этиш ҳар бир олий таълим муассасаси раҳбарининг асосий мажбурияти, қундалик ўй-ташвиши бўлмоғи лозим. Мамлакатимизда таълим сифатиغا эътибор қўлайди, илм-фан ҳар томонлама рағбатлантириляпти. Энди натижадорликка қараб интилишимиз керак. Юртимиздаги ҳоржидоғи олий таълим муассасалари филиалларининг очилиши, стажировка ва академик алмашувлар профессор ўқитувчиларимизда чет эллик ҳамкасбларининг фаолиятини ўз илмий-педагогик ишларини билан тақдослаб, ютуқ ва қамчиликларини ўрганиш имконини беради.


Бундан ташқари, айни пайтда, университетимиз Россия Федерациясининг йигирмидан ортиқ нуфузли олий таълим муассасаси, Беларус Республикасининг Беларус давлат транспорт университети, Корея Республикасининг Корея миллий транспорт университети, Польшанинг Силезия политехника ва Гданск технология университети, Австриянинг Клагенфурт университети ҳамда Гвинея Республикасининг Олий архитектура ва шахарсозлик институти билан

Кадрлар тайёрлаш жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, олий таълим муассасаси фаолиятида тармоқ корхоналари иштирокини кенгайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги

Бугун мавжуд илмий салоҳият ва самарали ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилиши олий таълим му-

Таълим тизимида узвийликни таъминлаш ҳар бир ривожланган мамлакатда сиёсатининг энг катта мақсадларидан биридир. Мухтат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашининг ҳаққари стандартларини жорий этиш, инноватини илм-фан ютүкларини амалиётта татбиқ этишининг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислотх қилиш бўйича ичтил ишлар амалга оширилди. Ва бу жараён давом этмокда. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада тасмиллаштиришга доир қўшимча

Фармонга биноан, 2020–2021 ўқув йилидан профессионал таълим дастурлари бўйича ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таъсислагичи даражалари билан уйғунлаштирилиб, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилиши, тайёрланадиган кадрларнинг меҳнат бозорига муносиб ўрин эгаллашиши таъминланиш мақсад қилинган.



Бу курслар, асосан, университет профессор-ўқитувчилари ва академик лицей ўқитувчилари ҳамкорлигида олиб борилад. Ҳуқуқчилар ўзлари танлаган таълим йўналиши бўйича билим ва савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганиш, махсус касб-хунор кўникмаларини шакллантириш имкониятига эга бўлади. Бу кўникмаларни эгаллаган ўқувчилар таълим муайян олий ўқув муассасасларида давом эттириши мумкин.

Университет академик лицейдаги таълим тизимини молиявий, моддий-техникавий ва бошқа тарздаги ресурслар билан таъминлаш механизмларини шакллантириш ҳамда уларни доимий ривожлантириб, янгилаб боришда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, академик лицейнинг иқтисодий битирувчи ўқувчилари кейинчалик университетимизда имтиёзли равишда таълимнинг кейинги босқичларини давом эттириш имкониятига эга бўлади.



Аюбхон РАДЖИЕВ,
Абдулла Авлоний
номидаги Халқ таълими
муаммоларини ўрганиш ва
истикболларини белгилаш
илмий-тадқиқот институти
раҳбари,
педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори

Янги Ўзбекистон мактаб оstonасида бошланади

Ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш муайян вақт ва фурсат талаб қилади. Хусусан, таълим соҳасидаги ислохотлар хийла мураккаб жараён бўлиб, изчилликни, пухта ва ўйланган режани, таҳлил ва тадқиқни тақозо этади. Бироқ шу пайтга қадар халқ таълими тизимида соҳа муаммоларини тадқиқ қиладиган, унинг стратегиясини белгилайдиган ва режалаштирилган инновацияларни илмий жиҳатдан ўрганиб, тажриба-синовдан ўтказадиган махсус ташкилот ёки муассаса йўқ эди.



ган “Ўзлуқсиз касбий таълим” платформаси орқали унга тақдим этилган ўқув модулларини ўзлаштиргач, платформа томонидан баҳоланади ва йиғилган кредитлар ходимнинг шахсий кабинетига жамланади. Кредитларнинг белгиланган миқдорини йиққан ходим шу йил учун малака ошириш курсини тўла ўтаган ҳисобланади.

Баҳолашнинг кредит-модул тизимини жорий этиш ходимларнинг муқобил малака ошириш шаклларида ҳам олган натижаларини баҳолаш имкониятини яратади. Шунингдек, ходимнинг Coursega каби интернет тармоғидаги электрон ресурсларидан фойдаланиб, ўз савиясини ошириши, республика ва халқаро олимпиадаларга ўқувчилар тайёрлагани, чет эллардаги нуфузли илмий журналларда мақола чоп этгани, илмий даража олиш учун диссертация ҳимоя қилиш каби ҳолатларни ҳам кредитларда баҳолаш белгиланган.

СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИ ЯРАТИЛАДИ

Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш жараёنларида педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини ҳам жалб этиш, пировардида соғлом рақобат муҳитини яратиш белгиланмоқда.

Бугундан қунача халқ таълими муассасалари ходимлари малакаси институт ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 14 та халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида оширилаётган эди.

Олий таълим муассасалари тузилмасида халқ таълими ходимларини малакасини ошириш факультетларини ташкил этиш, Низомиё номидаги Тошкент давлат педагогика университетини халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ваколати берилган олий таълим муассасалари учун таянч таълим муассасаси этиб белгиланган, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш курсларининг намунавий ўқув режа, дастур, ўқув-методик ва бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқиш белгиланмоқда. Шунингдек, курсларнинг ўқув-усулбий таъминотини доимий янгилаб бориш чораларини кўриш, малака оширишнинг самарали шакллари жорий этилишини илмий-методик ва ташкилий-методик асосларини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Педагог-ҳодимларда ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари кўникмаларини ривожлантириш, халқ таълими ходимларида Интернет жаҳон ахборот тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларида фойдаланган ҳолда, илгор педагогика, ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни эгаллаш ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш кўникмаларини ривожлантириш вазифалари назарда тутилган.

Энди халқ таълими ходимлари фақат Халқ таълими вазирлиги тасарруфидagi малака ошириш ташкилотларида эмас, балки ўз ихтиёридаги қура, ҳудудларда жойлашган истаган давлат ва нодавлат таълим муассасаларида ҳам ўз малакаларини оширишлари мумкин бўлади.

Мазкур тартиб малака оширишда мавжуд монополияга барҳам беради, танлаш имкониятини тақдим этиш орқали малака ошириш соҳасида соғлом рақобат муҳитини яратади. Ходимдан қарерда малака оширишдан қатъи назар, жорий йил учун белгиланган кредит бапларини йиғиш талаб қилинади.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ ЎЗ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИГА ЭГА БЎЛДИ

Институтимиз зиммасига соҳа фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, фундаментал, амалий ва инновацион

тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш ва умумий ўрта таълимнинг долзарб муаммолари юзасидан илмий-тадқиқот дастур ҳамда лойиҳаларини амалга ошириш вазифалари юклатилмоқда.

Ушбу вазифалар ижроси юзасидан илмий, илмий-амалий конференциялар, семинарлар, йиғилишлар ташкил этиш, соҳа учун юқори малакали илмий кадрларни тайёрлаш, илмий ходимлар, соҳадаги раҳбар кадрлар ва методистларнинг касбий даражаси, малакасини мунтазам ошириб бориш, шунингдек, соҳага оид илгор тажрибаларни ўрганиш ва жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, хориждаги етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан алоқаларни ривожлантириш, умумий ўрта таълимни ташкил этишнинг янги технологиялари, воситалари ва шакллариини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва экспертиза қилишда иштирок этиш каби фаолият йўналишлари назарда тутилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда таълим соҳаси муаммоларини тадқиқ қилиш билан шуғулланадиган институтлар таълим тизими тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Масалан, *Корея Республикасида Корея таълими ривожлантириш институти (KEDI) 1972 йилдан бун муваффақиятли фаолият кўрсатади. Унинг зиммасига Корея миллий анъаналарини акс эттирувчи янги таълим тизимини яратиш, бу борада кенг қамровли илмий тадқиқотлар ўтказиш, инновацион таълим тизимини ишлаб чиқиш, соҳадаги илохотлар сиёсати учун платформа вазифасини ўташ, келажак таълим қадриятларини илгари суриш ва инновацион таълимнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш каби вазифалар юклатилган. Мазкур институт бугунги кунда нафақат Корея Республикаси, балки халқаро майдонда ҳам ўз нуфузига эга илмий ташкилотга айланган.*

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболни белгилаш, соҳа ходимлари малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш, замонавий ёндашувларни татбиқ этишда хориж тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Умумий ўрта таълимдаги илгор тажрибаларни ўрганиш асосида тавсиялар ишлаб чиқиш, хорижий мамлакатларнинг етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантириш асосий мақсад ва вазифалардан бири саналади.

Институтимиз Корея Республикасининг Таълимни ривожлантириш институти ҳамда Ўқув дастурлари ва баҳолаш институти, Россия Федерациясининг Таълим академияси ва мазкур академиянинг Таълимни ривожлантириш стратегиялари институти, АҚШнинг Питтсбург давлат университетини, Германия Федератив Республикасининг Ўқитувчилар уюшмаси, шунингдек, Финляндия академияси, Беларус Республикаси Таълим вазирлигининг Дипломдан кейинги таълим академияси ва Беларус Фанлар академиясининг Информатика муаммолари бирлашган институти, Малайзиянинг Амнунддин Баки номидаги таълимнинг раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан илмий амалий ҳамкорликни йўлга қўйишни режалаштирган.

Мухтасар айтганда, олдимизда халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини кўллаб-қувватлаш ҳамда ўзлуқсиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш билан боғлиқ муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш каби долзарб вазифалар турибди. Институтимиз мамлакатимиз халқ таълими соҳасини янги ривожланиш босқичига олиб чиқишга муносиб ҳисса қўишга ҳаракат қилади. Зеро, бугун мамлакат ҳаётининг барча соҳаси қатори таълим-тарбияда ҳам янги давр бошланди. Бу давр биздан ҳамжиҳатлик, фидойилик ва самарали меҳнатни талаб этади.

МАЛАКА ОШИРИШДА “ҲАЁТ ДАВОМИДА ЎҚИШ” ТАМОЙИЛИ АМАЛ ҚИЛАДИ

Президентимизнинг жорий йил 6 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди халқ таълими тизимидаги илохотларни янада такомиллаштириш ва илмий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур ҳужжатларда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, соҳадаги раҳбар ва педагог-ҳодимларни “ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида ўзлуқсиз малака ошириш тизимига трансформация қилиш вазифаси қўйилди.

Амалдаги тартибга қўра, педагог-кадрлар ҳар 5 йилда камида 1 марта, раҳбар ва мутахассис ходимлар эса ҳар 3 йилда камида 1 марта малака оширишлари лозим. Ўқитувчининг 5 йилда 1 ой, яъни 144 соатлик ўқув дастури асосида малака ошириши ва қолган 4 йилу 11 ой ҳеч қандай ўқувга жалб қилинмаслиги уларнинг ўз устиди ишламаслиги, катта ҳажмдаги таълимий ахборотлардан баҳраманд бўлмаслигига олиб келмоқда.

Педагог-кадрларнинг 5 йилда 1 марта малака ошириши ҳозир фақат айрим МДҲ мамлакатларида сақланиб қолган. Дунёдаги таълим ривожланган мамлакатларда ўқитувчиларнинг ҳар йили ўзлуқсиз малака ошириши йўлга қўйилган. Масалан, Корея Республикасида ўқитувчи ҳар йили камида 108 соат, Сингапур ва Японияда ҳар йили 100 соатдан ортиқ, Голландияда 166 соат малака ошириши белгиланган.

Шу боис, бизда ҳам соҳа ходимларини даврий эмас, балки доимий равишда ўқитиб бориш, малака оширишни ходимларнинг касбий эҳтиёжидан келиб чиқиб ташкил этиш долзарб масалага айланиб қолди.

ИСЛОХОТЛАР ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАРНИ ТАҚОЗО ҚИЛАПТИ

Давлатимиз раҳбари фармонига мувофиқ, халқ таълими соҳасидаги муаммолар-

ни илмий тадқиқ қилиш ва истиқболдаги илохотларни илмий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш учун Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти қайта ташкил этилди. Мазкур муассаса А.Авлоний номидаги Халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти деб номланди. Институт фаолияти давр талабларидан келиб чиққан ҳолда тубдан ислох қилинди: у фақат педагог-ҳодимлар малакасини ошириш билан чекланиб қолмасдан, том маънодаги илмий-тадқиқот даргоҳига айланади.

Бу, ўз навбатида, институт зиммасига янада кўпроқ масъулият юклайди: рақобатбардош ва самарали миллий таълим тизимини йўлга қўйиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, ўқув дастурлари ва стандартларини оптималлаштириш, таълим муассасалари раҳбар ва педагог-ҳодимларини касбий ривожлантириш билан боғлиқ илмий муаммоларни тадқиқ қилиш ва ечимини топиш – институтнинг асосий



фаолият йўналиши этиб белгиланди.

Халқ таълими вазирлигига Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргалиқда 2021 йил 1 июнга қадар халқ таълими ходимларининг малака ошириш жараёнини “ҳаёт давомида ўқиш” тамойили асосида ташкил қилиш, ходимларнинг касбий эҳтиёжларини ташхис қилиш асосида ишлаб чиқилган индивидуал ривожланиш дастурига мувофиқ малакасини ошириш тартибини амалиётга киритиш, соҳа ходимларининг малака ошириш жараёнига кредит-модулга асосланган ўзлуқсиз касбий ривожлантириш тизимини босқичма-босқич жорий этиш вазифаси юклатилди.

МАЛАКА ОШИРИШ – ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА БЎЛАДИ

Яқинда малака ошириш курсида ўқиган ходимларга берилган “Сиз ўқиган курсининг мазмунини касбий эҳтиёжлариниёни қай даражада қондириб?”, деган саволга уларнинг 20 фоизи “тўла қондириб”, 20 фоизи “қисман қондириб”, 50 фоизи “қондирмади” ва 10 фоизи “билмадим”, деб жавоб қайтарди. Суровномага жалб қилинганларнинг кўпчилиги малака ошириш дастурларини шакллантиришда уларнинг эҳтиёжлари эътиборга олинса, курсининг фойда ва самараси ошган бўларди, деб қайд этди.

Ҳар қандай таълим жараёни самарали бўлиши учун у таълим оладиган шахснинг қизиқиш ва эҳтиёжларига мос бўлиши лозим. Бу барча ёшдаги таълим олувчиларга хос бўлиб, айниқса, катта ёшдагилар учун муҳим аҳамият касб этади. Педагог-ҳодим малака ошириш курсига, одатда, янгилик олиш, ўқитишнинг янги метод ва технологияларини ўзлаштириш, касбий эҳтиёжларини қондириш мақсадида боради. Бироқ касбий эҳтиёж ҳар бир педагогга турлича бўлади. Бу — табиий ҳол. Битта аудиторияга жамланган 25 нафар педагог-кадрга ўтиладиган мазву ким учундир қизиқариб бўлиши, кимнингдир эҳтиёжига мос келиши, қолганларга эса умуман ҳеч нарса бермаслиги мумкин. Пировардида ўтилган дарс ёхуд малака ошириш курси тингловчиларни бир хил даражада қониқтира олмайди. Бунинг учун халқ таълими ходим-

ларининг малака оширишга доир эҳтиёжларини ўрганиш, уларнинг ҳар бири учун индивидуал касбий ривожланиш траекториясини тузиш ва малака ошириш ўқувларини ана шу асосда ташкил этиш лозим.

Эҳтиёжларга асосланган малака ошириш тизимини жорий этиш учун халқ таълими ходимларининг малака даражаси, билими, илмий-педагогик салоҳияти, иш тажрибаси ва индивидуал касбий ривожланиш траекториясидан келиб чиқиб, **табақалашган малака ошириш дастурлари ишлаб чиқилди.** Анъанавий малака ошириш билан бир қаторда, касбий ўқитишнинг **уйғунлашган, иш жараёни билан биргалиқда олиб бориладиган, масофавий ва бошқа муқобил шакллари жорий этилиб**, халқ таълими ходимларининг индивидуал траекторияларини, касбий ривожланиш натижалари ва ўзлаштирган ўқув дастурлари тўғрисидаги маълумотлар уларнинг электрон портфолиосига киритилди.

МАЛАКА ОШИРИШДА КРЕДИТ- МОДУЛ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Педагог-кадрлар эҳтиёжларига асосланган касбий ривожланиш таълими натижаларини баҳолаш янгича ёндашувини талаб қилади.

Амалдаги тартибга биноан тингловчи малака ошириш курсини тугатганидан сўнг тест синовлари ва малака ишини ҳимоя қилишдан иборат якуний баҳолаш жараёнидан ўтади. Баҳолашнинг уйбу шакллари ягона ўқув режа ҳамда ўқув дастурлари асосида ташкил қилинган малака ошириш курслари учун қўлланилади. Бироқ турли индивидуал траектория ва ўқув режа-дастурлари асосида ўқиган тингловчилар эришган натижаларни ягона баҳолаш воситаси — тест ва малака иши ҳимояси билан баҳолаб бўлмайди.

Халқ таълими ходимларининг ўзлуқсиз касбий ривожланиш тизимидаги таълим олиш натижаларини баҳолашда кредит-модул тизимини жорий этиш белгиланмоқда. Унга қўра, ходим томонидан бир йилда йиғилиш лозим бўлган кредитлар(академик соатлар)нинг энг кам ҳажми назарда тутилмоқда. Ҳар бир ходим юқорида қайд этил-

қилиш мақсадида Соғлиқни сақлаш, Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш, Жисмоний тарбия ва спорт вазирликлари билан келишган ҳолда қўшма қарор имзоланди. Унинг асосида маҳаллаларда эрталабки ва кечқурунги юриш ташкил этилади. Унда ёшу қари бирдек иштирок этиши мумкин. Шанба эса “Саломатлик кунини” деб эълон қилинади.

— Жисмоний фаолликнинг энг содда ва самарадор йўли — пиёда юриш, — дейди соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Эльмира Боситхонова. — Юриш орқали биз жисмоний фаоллигимизни намоен қиламиз ва гиподинамия муаммоларини тўлиқ бартараф этишимиз мумкин. XXI аср гиподинамия асри ҳам бўлмоқда. Инсоният ҳаракати камайиб кетди, жисмоний фаоллик сусайган. Телевизорни ҳам ўтирган жойимизда бошқарамиз, кирни техника юяпти, тайёр, кимёвий моддаларга бой овқатларни истеъмолга қилишга ўргандик. Ҳатто хонадаги чироқни ёқишга эринамиз. Бу манзара янги касалликлар пайдо бўлиши ва кенг тарқалишига замин яратмоқда. Коронавирус пандемияси эса бунинг нотўғри йўл эканини бизга исботлаб берди.

Яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш керак. Бундан 20-30 йил олдин истеъмол қиладиган овқатларимиз калорияси ҳозирги камҳаракатлик даврига тўғри келмайди. Яъни, авваллари жисмоний фаоллик бор эди. Шунга яраша кучли овқатларни ҳазм қилиш қийин кечмаган. Ҳозир янада кучлироқ овқатланишга ўтиб олганимиз, лекин ҳаракат йўқ.

Биз 20 хил қуюқ ва суюқ миллий таомимиз калориясини соқлаб, уларни қандай сарфлаш бўйича қўлланма ишлаб чиқялмиз. Кечагина уни Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига тақдим этдик. Энди вазирлик мутахассислари бу калорияларнинг қандай сарфланиши бўйича аниқ хулосалар бериши керак. Бунда қўлланмадаги овқатлардан танага ўтган калориянинг юрганда, югурганда, бадантарбия машқларида, теннис, футбол ўйнаганда қанча фоизи сарфлани-

ши ҳақида маълумотлар бўлади. Кейин аҳолига тарқатилади. Таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳам аниқ тўхтамга келишимиз зарур.

Аҳолининг бор-йўли 19 фоизи жисмоний тарбия ва спорт билан қамраб олинганига Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги бошқарма бошлиғи Умид Ражабов қўйидагича изоҳ берди:

— Президентимизнинг жорий йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси юзасидан Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигида махсус штаб ташкил этилган. Аҳолидан кўллаб тақдирлар келиб тушмоқда. Улар асосида ишларни ташкил этилмиз.

Тўғри, пандемия шароити режаларимизга ҳам салбий таъсир кўрсатди. Қишлоқ жойларда аҳолини спортга қамраб олиш даражаси турлича, 4-7 фоизни ташкил этадиган ҳудудларимиз ҳам бор. Умумий ҳисоблаганда 19 фоизга етган. 2021 йил январдан ишлар жадал бошлангиди, қишлоқларда, маҳаллаларда барчани спорт билан шуғулланишга жалб этиш бўйича аниқ режаларимиз бор. Шунингдек, маҳаллаларда қурилаётган спорт майдончаларида аҳолининг ўзи қизиққан спорт тури билан шуғулланиши учун имконияти яратиб берилади.

Бундан ташқари, барча ташкилотлар ва идораларда спорт тарғиботчиси лавозими жорий этилади. Бу эса ходимларнинг спортга бўлган иштиёқини оширади, спорт билан шуғулланиши учун шароит яратади. Ҳозир жараён бошланган. Турли ташкилотлар, ҳокимликлар лавозимга тайинланган ходимлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этмоқда. Тарғиботчилар бир йиллик режасини бизга тақдим этади ва келишилган ҳолда иш олиб борилади. Кўпроқ шанба кунини тушдан кейин ходимларни доимий равишда спорт билан шуғулланишга жалб қилишни режалаштирганимиз. Бу орқали аҳолининг спорт билан қамраб олиш даражасини 50 фоиздан оширишга эришамиз, деган мақсадимиз бор.

Соғлом турмуш

Улўғбек АСРОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Жорий йил 9 декабрь кунини Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида туризм ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгуси йилдаги вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтган йиғилишда аҳолининг бор-йўғи 19 фоизи жисмоний тарбия ва спорт билан қамраб олинган, носоғлом турмуш тарзи, таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори кўп бўлган ҳамда ҳамирли таом, нонни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш ҳолатлари кўп учраётгани қайд этилди. Бу борада жиддий чоралар қўриб, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Аслида давлатимиз раҳбари авваллари ҳам халқ билан учрашувларида, кўллаб йиғилишларда спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, тўғри овқатланишнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиб келган. Кейинги йилларда бу мақсадларга интилиш бир қадар ўзгарди.

Бугун ҳар биримиз коронавирус яшаш тарзимизга жиддий ўзгаришлар киритгани ҳақида мулоҳазага эгамиз. Лекин уни ҳаётимизга тарғиб этишда сусткашликлар кузатилаётгани ҳам бор гап.

Президентимиз 2020 йил 30 октябрда “Соғлом

АГАР ЮРСАНГ ПИЁДА, УМРИНГ БЎЛАР ЗИЁДА

турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонини имзолади. Энди спорт билан шуғулланиш учун ҳуқуқий асослари, шароитлар яратилади.


БУ БОРАДА БИЗНИ НИМАЛАР КУТМОҚДА?

Маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, “Саломатлик мактаблари”ни ташкил



Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги олдидан

Атоқли композитор ва дирижёр, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати, “Фидокорона хизматлари учун” ҳамда “Меҳнат шухрати” орденлари соҳиби, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Мустафо Бафоев ижодиди буюк алломаларга бағишлаб яратган асарлари алоҳида ўрин тутади. Унинг “Улғбек буржи”, “Ибн Сино”, “Мовароуннахр”, “Темурий маликалар”, “Мозийдан нур”, “Нодира”, “Зикр-ул-ҳақ”, “Бухоронома”, “Умар Хайём”, “Борбад” каби асарлари шулар жумласидандир.



Ҳасим Йўлдошев олган сурат.

Буюк шоир НАЗМИНИНГ НАВОСИ



Композиторнинг бир-бирига ўхшамаган беназир асарлари Япония, АҚШ, Россия, Испания, Франция, Туркия, Озарбайжон, Тожикистон каби мамлакатлар сахналарида олқишлар билан кутиб олинган. У 2003 йили АҚШнинг Массачусетс штатида бир неча концерт намойиш этганидан сўнг нуфузли ASCAR (Америка бастакорлари, муаллифлари ва ноширлари жамияти) ижодий ташкилотига аъзоликка қабул қилинди.

Бастакор ижодидан Алишер Навоий меросидан илҳомланиб яратилган асарлар катта ўрин эгаллаган. Биз Мустафо БАФОЕВ билан айнан шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Мустафо ака, сиз композитор сифатида буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг бой меросига илк бор қачон муурожаат қилгансиз?

— Аввало, қайд этишим жоизки, жорий йилнинг 19 октябр кўни Президентимиз томонидан имзоланган “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарор шахсан мени, қарийб 40 йилдан буён шу буюк зот меросидан илҳомланиб келаётган бастакорни жуда мамнун этди.

Мазкур қарорда қайд этилганидек, Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабиёт-эстетик тафаккуримиз ривожиди алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг бекиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидagi миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Шу нуктаи назардан, биз ҳар доим Алишер Навоий меросига муурожаат қилиб, нафақат адабиёт намуналаридан завқ оламиз, балки ҳаёт фалсафасини ўрганамиз, теран ахлоқий фазилатларга эга бўламиз. Аслида ҳам шундай бўлиши керак.

Мен ёшлигимдан ҳазрат Навоий назмининг мафтуниман. Навоий назми, у хоҳ тўртлик ёки ғазал бўлсин, хоҳ дoston бўлсин, равонлиги, сўзларининг жарангдорлиги, маънодорлиги билан тайёр оҳанга ўхшайди. Ул буюк зотнинг тахаллуси ҳам бежиз Навоий бўлмаган, зеро “наво” сўзининг асл маъноларидан бири “оҳанг”, “қўшиқ”дир. Буьндан ташқари, Навоийнинг ўзи ҳам “навозанда”, яъни созанда бўлган. Бу алоҳида мавзу. Илк мустақил мусиқий асарим ҳам улуғ шоирнинг асарлари асосида тайёрланганди. 1975 йили талабалик давримда овоз ва камер оркестри учун яратган “Беш рухий” номли туркум асарим билан Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳрида бўлиб ўтган солиёқ иттифоқ олий ўқув юртлилари талабалари ўртасида ўтказилган санъат фестивалига иштирок этиб, совринли ўринни олганман.

Кейинчалик Навоий ҳамда унинг Фоний тахаллуси билан яратган ғазалларига қуйлар басталаганман. Бу ўндан зийд қўшиқни Маҳмуджон Йўлдошев, Қўрсия Эсонова, Рустам Каримов, Мунира Мўхаммедова каби истеъдодли хонандаларимиз Дони Зокиров номидаги халқ чолгулари оркестри билан ижро

этишган. Шу тарика мени кейинчалик Алишер Навоийнинг дostonлари ўзига ром этди, улар асосида мукаммал мусиқий асарлар ёзишга киришдим.

— Яъни мусиқий дostonлар, симфониялар...

— Ҳа, шундай. Бу йўналишдаги ижод маҳсулим деб очаси 4-симфониям ҳисобланган “Мовароуннахр”ни алоҳида тилга олгим келади. Уч қисмдан иборат бу асар Алишер Навоий ғазаллари асосида Шашмақом шўб-баларидан фойдаланган ҳолда яратилган. Асар Навоий таваллудининг 550 йиллигига армугон бўлганди. 5-симфониям ҳам тўлиқ ул зотга бағишланган. “Ҳолоти Алишер Навоий” номини олган тўрт қисмли бу симфонияда фалсафий ғазаллари асосида буюк мутафаккирининг руҳий ҳолатлари ўзига хос услубда талқин этилган. “Ғазал” (биринчи) симфониямда ҳам айнан Навоий ғазалларидан бошлаб, Машраб, Фурқатнинг ашёрларини нота тилига киритганман. Унинг ижроси учун ностандарт услубда хор, миллий чолгулар оркестри, камер-симфоник оркестр имкониятларидан фойдаланганман.

1998 йили Ўзбекистон мустақиллигининг етти йиллигига бағишлаб “Сабаъи сайёр” дostonи парчалари асосида “Баҳром ва Дилором” мусиқий дostonини ёздим. 17 дақиқа давом этган бу асарга санъат арбоби, раҳматли Юлдуз Исматова рақс сахналаштирган эди. Ҳам қўшиқ, ҳам рақсдан иборат бу асарнинг айрим қисмлари Мустақиллик майдонида ўтказилган байрам тадбирида намойиш этилган.

Шунингдек, 1998 йили дўстим Баҳодир Йўлдошев ғояси туфайли “Йил фасллари” (“Алишер Навоий хотирасига”) туркум симфоник асарларим дунёга келди. Унда инсон умри худди табиат фасллари каби баҳор, ёз, куз ва қиш мавсумларидан иборат экани қиёс қилинган.



Уд ва миллий чолгу оркестри учун ёзилган “Дoston” асаримда икки буюк мутафаккир, беназир дўстлик рамзи бўлган Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Мир Алишер Навоий улуғворликлари улуғланган.

Алишер Навоий глобал дунёда кўраган, фалсафий-тасаввуфий қарашлари билан ундаги тазодларни очиб берган. Шу нуктаи назардан, шоирнинг “Лисон ут-тайёр” дostonини ўқиганимдан сўнг ундаги руҳият оромини олди ва ушбу асарнинг таъсири остида шу номдаги опера-феерия ёздим. Асарда етти водий бўйлаб инсон улуғворлиги тараннум этилган, унда Шашмақомдан, француз композитори Морис Равельнинг оркестр учун ёзган “Болеро” номли асридан, Бетховеннинг “Ой” сонатасидан, Александр Аляевнинг “Булбуллар” вокал асридан фойдаландим.

Бу асарни Парижда ҳам яхши кутиб олишди. Мақсадим Шарқнинг фалсафий шеърияти ва мусиқаси, жумладан, мақомларини Ғарбнинг замонавий асарлари билан уйғунликда талқин этиш эди. Чунки Алишер Навоий умумбашарий сиймо, одамзоднинг келиб чиқиши эса бир илдизга бориб тақалади. Биз турли миллат, диний этникодларга мансуб бўлсак ҳам, барчамиз ОДАММиз.

— Ҳа, буюк Навоий ғазалларига татабуълар ёзган Шайх Саъдий ҳам “Бани Одам аъзойи якдигаранд” (Одамизод вужуди бир-бирининг аъзосидир) мисраси билан бошланадиган шеърида шунини назарда тутган. Лекин Навоий туркий адабиёт оламида ўзининг “Хамса”си билан буюклигини исботлаб берган ва дунё эътирофига сазовор бўлган...

— Яна бир маротаба айтаман, Навоий тенги йўқ шоир. Унинг “Хамса”си туркий адабиётнинг тақдорланмас шоҳ асари, ижодининг чўққиси. Навоий ижодида ихлоосманд бўлганим учун “Хамса”ни тез-тез варақлаб тураман. Менинг тақлифимга кўра, адабиётшунос олим Султонмурод Олимов “Хамса” асосида либретто композициясини тайёрлади. Мавриди келганда айтишим керакики, Алишер Навоийнинг тили жуда бой. У асарларида туркий тилдан ташқари форс ва араб атамалариини ҳам мохирона ва самарали қўллаган. Мен икки пардали, беш кўринишли “Хамса” опера-балетини ёзиш асносида Навоийнинг “Хамса”сини яна ҳам мукаммалроқ ўргандим. Асарнинг илк намойиши мусиқий раҳбар ва дирижёр Б.Худойқўлов, сахналаштирувчи режиссёр Н.Слоним, балетмейстер З.Нуримбетов ва бошқалар кўмағида 2017 йилнинг 28 май кўни Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри сахнасида қўйилди. Бу менинг катта бахтим.

Асарнинг биринчи кўриниши “Ҳайрат ул-абсор”дан бошланиб, шу тарика “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Махжун”, “Сабаъи сайёр”, “Саъди Искандарий” кўринишига ўтилади. Навоий, энг аввало, Низомий ва Хусрав Дехлавий билан мулоқот қилиди. Улар буюк шоирни “Хамса” ёзишга ундайдилар. Сўнгра сахнада буюк маслақдоши ва устози Абдурахмон Жомий пайдо бўлади ва Навоийнинг хамсанавислиги йўлидаги қадамини табриклаб, илҳомлантиради.

Нихоят буюк шоҳ асар яратилиши бошланади. Ушбу асарда ҳам жаҳон мусиқаси дурдонаси бўлмиш Шашмақом қуйлари янграйди. Инсоннинг буюк ижодкорлиги, зағулкининг ёвузлик устида ғалаба қозониши, турли рамзий маънога эга жараёнларни талқин этган бу афсонавий асар Алишер Навоийнинг чуқур фалсафий ҳикматлари, бизга, келажақ авлодга билдирган ўғитлари билан тугайди. Операда воқеалар ривожини икки йрим соат давом этади.

Алишер Навоий мероси — буюк уммон. Мен бир ижодкор сифатида, иншааллоҳ, буюк мутафаккир бобомизнинг ижодини янада чуқур ва теран ўрганиб, мусиқий асарлар яратишни давом эттиришни асл мақсадим деб биламан. Бу борада Президентимизнинг юқорида тилга олинган қарори, албатта, мендек ижодкорларни руҳлантиради, илҳом бахш этади.

Шоҳаҳҳор САЛИМОВ суҳбатлашди.

Санъат



Ер юзидagi исталган халқнинг маданият-маънавий савияси, аввало, унинг мусиқасида акс этади. Яъни оҳангу усуллар ўзи яралаётган ва янграётган муҳитнинг кайфияти, феъл-атворини борица кўрсатиб беради. Мақомларимизни тинглаган чоғимизда илоҳий маънолар оламининг чексизлиги, пардаю усулларининг “олий математикаси” ҳамда мусиқа ва сўз ошуфталигини ақлимизга сиғдирилмай қоламиз.

СОФ МИЛЛИЙ ОҲАНГЛАР БЕШИКДАНОҚ БОЛА РУҲИАТИГА СИНГИШИ КЕРАК



Қай фозил муҳи-да яралди улар, кўхна тарих қатидаги қайси олий ҳақиқатларни садолантирмоқда... Нахот шу қадар ҳадсиз, шу қадар улуғвор бўлса, бадиий-фалсафий яралган бўлса бу синоат?... Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти проректори Азизжон ЗОКИРОВ билан бўлган суҳбатимизда ана шу сирли оламнинг ўтмиши

ва бугунги кундаги ривожини ҳақида баҳоли қудрат сўз юритдик.

— Мақомот дунёси мураккаб ва мукаммал шакл, кенг бадиий-эстетик имкониятларни қамраб олган мусиқий қомусимиздир. Уни мозийнинг забардаст ижодкорлари яратган ва янгратаган. Шунинг учун ҳам ўз дунёсига ошик бўлганларнинг барини мақомот яна ва яна улғайтираверди. Неча даврларки, Шарк маданияти, санъати, илм-фанига Ғарбнинг қизиқиши сўнмай келади. Мақомот дея аталмиш муаззам мусиқий таълимий Европанинг не-не забардаст олимлари ҳаловатини олмаган дейсиз...

— Албатта-да! Шарқнинг ўн тўрт мамлакатидида неча юз йилликлардан буён жонли анъаналарда яшаб келмоқда мақомот аталмиш буюк санъат. Яратган бизнинг юртни ҳам шу гўзал бадиий нэъматига муносиб кўриб, Бухоро Шашмақоми, Хоразм Олти ярим мақоми, Дутор мақомлари ҳамда Фарғона-Тошкент мақом йўл-ларини қамраб олган мумтоз маънавий мерос билан сийлаган.

Мақом, аввало, илмдир. У пухта назарий асосларга, шаклу шамоилига, ижодиёт ва амалиётга, энг муҳими, миллат руҳиятини англатувчи оҳангларга эгадир. Мақомлар асрлар давомида халқнинг билимдон, зукко мусиқа устозлари ва бастакорлари томонидан яратилган, тизимлаштирилган. Мақом йўлларида яратилган дурдона асарларимиз ҳам халқимизнинг азалий қадриятларини оҳангларга сингдирган гўзал ва бетакор-рор меросдир. Кўхна бадиий анъаналарни ўзлаштириб донг таратган хонандаю созандалар ижодида, устоз-шогирд анъаналари қанотида бу мулк авлоддан авлодга ўзатилиб келинмоқда. Бу юксак санъат садолари билан инсон ўзини том маънода ислоҳ қилиши мумкин. Яъни мақом шунчаки ҳордиқ чиқариш учун тингланадиган мусиқа эмас: у — тарих, у — анъана, у — қадрият, у — маънавият, у — маърифат, у — тарбия, у — орзу, у — муҳаббат. Мақом изланган манзилга элгувчи йўл, мўъжизалар дунёсидир. Унга шайдо бўлиш керак, у билан яшаш керак, чанқок руҳиятни у билан сўғориб туриш лозим...

— Бугуннинг мақомчиси қандай бўлиши керак? Аслида мукаммал мақом ижросининг этиштириш учун қанча вақт керак бўлади?

— Мукаммал мақом ижросинини тайёрлаш учун камида 15-20 йил устоз-шогирд анъанасидаги таҳсил талаб этилади. Мақомлар асл ҳолича ўрганилиши ва соф ҳолида ижро этилиши керак. Ижро мақоратининг ортида эса чуқур назарий ва тарихий билим ҳам бўлиши жоиз. Мақомчи бўламан деган толиби илмларда, аввало, зеҳн, Худо юқтирган табиий истеъдод, овозда диапазон кенглиги, тембр гўзаллиги, феъл-атворда сабр ва фидойилик, яна қатор фазилатлар бўлиши лозим. Бу санъатни эгаллаш узоқ муддатли махсус тайёрлаган талаб этади.

— Қайси соҳада ривожланиш бўлмаётган бўлса, демек, ўша соҳада маркетинг ёндашув йўқ. Маркетинг тўхтаган жойда соҳа ҳам тўхтайди. Ай-никса, маданият соҳасида маркетинг тўғри йўлга қўйилмас экан, олдинга силжиш ёки юксалиш рўй бермайди. Дейлик, мақомларимиз қайси замонда қандай яралган ва янграган бўлса, ўшандай “беҳаракат” тураверади, “ноу-хау”чи ёшларимиз айтганидек, бугуннинг “қўлоғи”га, юрагига, ақлига сингмай бораверади. Негаки, ижро талқинида жозибадор янгилишни йўқ... Техноген замоннинг илгор болалари эртага мақом эшитармикин?

— Мақомларни тинглаб юрадиган, ушбу муқаддас оҳанглардан завқ оладиган инсонлар илоҳий қалб билан яшайдилар. Давлатимиз раҳбарининг “Ким буюк келажақ кураман деса, мақомни тингласин”, деган хитобининг ўзидек келажақ авлодлар учун жуда катта қақирқ. Техноген авлод ҳар томонлама кучли, бақув-ват, теран фикрлайдиган, руҳияти мустаҳкам бўлиши шарт. Бунинг учун эса улар мақом билан улғайишлари керак. Уларнинг онгу шуури, дунёқарошига бу олий мусиқий қадриятни сингдириш учун имкон қадар эр-тароқ ҳаракат бошлашимиз лозим. Қаранг, оилада гўдак туғилиши билан қўлоғига азон айтилиб, чиройли исм қўйилади. Сал улғайса, қўлчасини қўқсига қўйиб салом бериш ўргатилади. Тарбиянинг аввали шу дейдиган бўлсак, мусиқий тарбия ҳам ўша кезданок бошланиши, соф миллий оҳанглар фарзандларимизга бешикданоқ сингиб бориши лозим. Мақом билан тиллашиб ва диллашиб, бу олий гўзаллик руҳиятида улғайган бола билан беақом ўсган боланинг орасида ер ва осмон қадар тафовут бўлади. Мақом, энг аввало, дид-савияни камол топтириш баробарида онгни озиқлантиради, руҳни қанотлантиради. Мақом тинглайдиган ва уни англайдиганлар билан суҳбатлашган одам ўзини қай бир юксакликда ҳис қилиши шундан.

— Дунёнинг қатор олий ўқув юртларида, етакчи илмий марказларда мусиқа тарихи ва назарияси махсус ўрганиб келинади. Бунда мусиқий таълим масалалари, маданият тараққиётида кечаётган остин-устин мусиқий жараёнлар, майдонга келган янги йўналишлар ва уларнинг инсоният ҳаётига таъсири масалаларига ургу берилипти бугунги кунда. Ўзим сўнгги беш йил мобайнида қатнашиб мулоқот қилган халқаро конференциялар мисолида айтиладиган бўлсам, глобализация майдонида классик мусиқанинг тақдири нима бўлади, деган саволлар дунё мутахассисларини ташвишга солиб қўйган. Шу маънода Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти илм ва таълимда қайси позицияларни маҳкам тутмоқчи?

— Бизга ҳозир ёш ва кучли мақом ижрочилари, замонавий дунёқарашдаги мақомшунослар зарур. Улар қандай бўлиши керак? Мумтоз мусиқамизнинг азалий анъаналарини идроклаган, мақом йўлларини аслича биладиган, меросимизни пухта ўзлаштирган, амалиётда фаол бўлган мукаммал мақомчилар бўлиши лозим. Мусиқашуносларимиз эса мумтоз мусиқа санъатининг илмий асосларини ўзлаштирган, усул билан усулни, “Сарахбори Дуғоҳ” билан “Сарахбори Ироқ”ни фарқлай оладиган даражада амалиётга боғланган бўлиши керак. Бу тинимсиз меҳнат, синчковлик, фидойиликни талаб қилади, шу боис бўлса керак, мақомшунослик соҳасидаги олимларимиз санокли... Биз хонанда ва созандаларни ўқитишда мақомларнинг ижросини ҳам илмий асосда ўргатишни йўлга қўйишимиз керак. Шунда уларни назарий жиҳатдан таҳлил эта оладиган, амалиётини чуқур эгаллаган илмли-билимли, саводхон ва салоҳиятли мутахассислар етишиб чиқади. Мақомларни мукаммал ижрода тингловчисига етказиш кўнглиларни сурурга тўлдирари. Инсонларга қувонч, эзгулик улашиши эса катта савоб демақдир.

Мусиқашунос Латофат ТОЛИБЖОНОВА суҳбатлашди.

